Мутахассисларнинг фикрича, Қашқарёнинг маҳаллий иқлим шароитида атроф-муҳитни соғломлаштиришда эман, каштан, қайин, шамол, дуб, заранг ва игна баргли дарахтлар энг мақбул ҳисобланади. Шаҳар экологиясини муҳофаза қилишда камшан, Қрим ва Элдор қарағайи, сарв дарахтининг аҳамияти катта. Чунки улар ҳавони чангдан тозаллаб, зарарли микробларни ўлдирувчи фитонцидлар ишлаб чиқариш хусусиятига эга. Эман ўзидан энг кўп кислоталар ишлаб чиқариши ва ноқулай шароитларга чидамлилиги билан ажралиб туради. Игна баргли дарахтларнинг аҳамияти шундаки, кенг баргли дарахтлар барги куз ва қиш ойларида ҳазонга айланиб тўқилганда, улар яшилгани, яшнаб туради ва чангни ютиб, ҳавони муҳофаза қилади. Эзда ҳам бошқа дарахтларга қараганда санитарлик вазифасини самарали бажаради.

Маълумки, муҳандислик қурилиш ишлари амалга оширилаётганда лойиҳа-смета ҳужжатларида бунёд этилаётган иншоотлар атрофини кўккаламзорлаштириш кўзда тутилади. Бунда экиладиган ўсимлик турларини танлаш, уларнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда илмий ёндашиш ҳам талаб этилади. Шунинг

ликка чидамли ихота дарахтлари экилган эди. Улар барқ уриб ўсиб чўлга чирой бахш этиш билан бирга туپроқни шамол эрозиясидан сақлади, чанг-тўзонларни қайтарди. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам йўловчилар ва чўпон-чўлиқларни соясидан баҳраманд қилиб турибди. Аммо дарахтларнинг бир қанчаси ўтин ва бошқа мақсадларда кесиб кетилган, айримлари қуриб қолган. Уларнинг ўрнига яна кўчатлар экиш ҳақида на вилоят ўрмон хўжалигидагилар ва на бошқа мутаасидилар бош қотиришпти.

Ҳозир туман марказлари билан Қарши шаҳрини боғловчи йўлларнинг икки четига дарахтлар экилган, йўловчилар чарчаганда унинг соя-салқинида бир муддат дам олиши мумкин, дея олмаймиз. Бошқа дарахт кўчатлари экиб, кўкартириб олиш учун-ку оқар сув, алоҳида парвариш керак бўлади. Ҳеч бўлмаса йўл четларига биз юқоридаяйтган ихота дарахтларини экиб, кўкартириб қўйиш мумкин-ку.

Мутахассисларнинг фикрича, бир киши тоза ҳаводан тўйиб нафас олиши учун ўртача 90 квадрат метр дарахтзор бўлиши керак экан. Бизнинг шароитимизда бу кўрсаткич 10-15 квадрат метрдан ошмаса керак.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан шаҳарнинг кўча ва хиёбонлари, боғларига неча юз минглаб мевали ва манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Бунга қанчадан-қанча меҳнат ва маблағ сарфланди. Энди уларни парвариш қилиш, авайлаб-асраш, сугориш ва озиклантириш керак. Шунда шаҳар боғ-роғларга бурканиб, мена-чеванинг қонига айланган, ҳавоси эса тоза ва мусаффо бўлади.

Инсон — табиат фарзанди. Уларни бир-бирини таъсир қилиб бўлмайди. Шу туфайли биз истаимизки, йўқми, табиат бизга ўз таъсирини ўтказиши шубҳасиз. Ўз навбатида инсон ҳам унга нисбатан муайян таъсир ўтказиб боради. Аммо ушбу таъсир зугумга айланиб кетмаслиги лозим.

Қуръони Каримнинг «Фурқон» сурасида «Аллоҳ ҳамма нарсани яратди ва улчовини мукамал қилди» (2-оят) дейилади. Бошқача қилиб айтганда, биосферадаги ҳар бир нарса — сув, туپроқ, ҳаво, тоғ, ҳайвонот, наботот ва кичик жонотлар муайян улчов билан бир-бирига боғлиқ, мутаносиб ҳолда яратилган.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
журналист



Эдуард ўз хотинини ўлдиргани учун жазони ўтаётганда Наташа хола невараси Жения Самуиловни ўз тарбиясига олди. Орадан йиллар ўтиб Эдуард озодликка чиқди. Жения ўшанда 11 ёшда эди. Эдуард қилмишдан чин дилдан пушаймон бўлиб, ташлаб кетган ўқинини давом эттирмоқчилигини айтиб қолди. Наташа хола бундан албатта хурсанд бўлди.

Эдуард ўқини тиклаб, Тошкент Давлат санъат институтида ўқий бошлади. Диплом қўлига теккач, Москвага ишлагани жўнаб кетди.

— Анна опа, Женияга раҳимм келяпти, — деди Назокат кўшнисига.
— Э, нимасини айтасан, шўрлик бола на она меҳрига тўйди, на ота меҳрига. Отасини ҳатто танимаса ҳам керак. Энди эса ягона суянчиғи Наташа хола ҳам йўқ. Бола бечорага қийин бўлди, — дея тасдиқлади Анна.

Папкасини бўйнига осиб мактабга отланган Женияни кўриб:

— Жения болам, ҳеч нарсадан сикимла, ҳўпми, у ёқда қариндошларинг бўлса, бу ёқда биз бормиз, — дея болага тасалли беришди.

Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида ёлғиз яшайдиган Жениядан кўни-кўшнилари доимо хабар олиб туришарди.

Александр кечаги хабардан сўнг уйга толди. Жияни Женияга айтсинми ё айтмасинми? Уйлай-уйлай ниҳоят, унга кўнгироқ қилди.

— Жения, даданг энди сенга бошқа кўнгироқ қилолмайди, — деди.

— Нега? — сўради Жения.
— Дадангни яна қамаб қўйишибди.

— Нима учун? — Жениянинг устидан бир челақ совуқ сув қуйилгандек бўлди.

— У бир аёл билан яшаётган эди, ўшани рашк қилиб урган экан, касалхонада ўлиб қолибди, — деди хола.

— Флора опа, Равиль уйдаими? — сўради Жения ўртоғининг онасидан.

— Жения, кел, кир уйга, — деди Флора опа.

Жения машғулотларга кеч қолишни айтиб уйга кирмади. Флора опа уларни кузатиб қўйди.
— Жения ўртоғинг роса ақли бола-я, — дейди Равилининг онаси унга. — Табв! Онаси ўшанга, отаси қамалган, ёлғиз ўзи яшайдиган бола ҳам бу қадар одобли бўларканми?

— Отасининг қилигидан уялади, бечора, — деди Равиль.
— Ҳозир ўқишга тайёрланганми у.

— Шунақа дегин, ҳали кўрасан, шу боладан катта киши чиқади.
Она-ю ўғил Жения ҳақида узоқ гаплашдилар...

Университетга ўқишга қабул қилинганлар орасида ўз фамилиясини кўрган Жения кувончини кўшнилари билан баҳам кўрди.

Зевар уйғониши биланок дераза ойналарини ланг очди. Баҳор фасли бўлишига қарамай, кўшнинг ҳарорати иссиқ эди. Света юзига тушган кўёш нурларидан кўзларини зўрага очди.

— Ойи, ойнани ёпинг, кўзим қамашди, — деди у.

— Тур энди, чой дамла, мен дўконга чиқиб келаман, — деб Зевар чиқиб кетди. Шу пайт телефон жиринглаб қолди.

— Алло... ҳа, Нигора сенмисан, тинчликми?

Света кўнгироқ қилган дугонаси билан гаплашиб қолди. Эшик кўнгироғи чалиниб уларнинг сўхбати узилди.

Света останада иккита бегона кишини кўриб ҳайрон бўлди.
— Зеварни чақириб юбор, —

деди уларнинг ёши каттароғи.

— Ойим уйда йўқ, ҳозир келиб қоладилар, — жавоб берди Света.

— Уни уй ичида кутсак майлими? — сўради ҳалиги кимса.

— Йўқ, киргизолмайман, узр, — деди Света ва эшикни ёпди.

Орадан 5-10 дақиқа ўтар-ўтмас подъездда аллақандай товушлар эшитилди. Света ойисининг овозини таниб, эшикни очди.

— Ойи, манави одамлар сизни сўраб кепти, — у шундай деганча останада турган ойисининг қўлидаги пакетни олиб балкон томонга юрди.

— Света, қизим!

Кўз ойисининг овозини эшитиб орқага қайтди. Зевар бўйнига пичоқ тиралган ҳолда кўрқув билан унга қараб турарди. Ҳалиги к и ш и н и н г ишораси билан ёнидаги ёпироқ

ўртоқларинг келишувди, эшикни роса тақиллатди, ҳеч ким очмади, — деди кўшниси Дмитрий.

Зевар «кейин гаплашамиз?» дея олди, холос.

— Дўконга кир, эшитясанми, дўконга, — буйруқ қилди боққинчи.

Дўкондан конфет харид қилиб энди кетмоқчи бўлиб туришганда, Зевар:

— Сигарет олмоқчи эдингиз, олақолинг, — деди.

нухасини жўнатиб, билет буюртма қилолмоқчиман, — деди Жения.

— Демак, кетаркансан-да, билетни қачонга олмоқчисан?

— 15 кундан сўнг дипломинини оламан. Кейин кетсам ҳам бўлаверди. Уйни сотиб олганлардан яна икки ҳафта яшаб туришга рўхсат олдим, — жавоб қилди Жения. — Қариндошларимдан фақат холам борлигини биласан. Ҳар гал кўнгироқ қилганида ёнига чақиради. Уйнинг пулини холамага жўнатдим.

Икки ўртоқ узоқ гаплашди.

— Бўпти Жения эртага эрталаб соат 8.00 да учрашамиз, — деб Валера чиқиб кетди.

— Валера, Валерка, тур болам, Женияни ўлдириб кетишибди, — деди Флора опа.

Валера сапчиб ўрнидан турди.

— Нима а...а?!

У шундай дея юз-қўлини апила-тапил ювди-да, Жениянинг уйига тушиб кетди. Жениянинг мурдаси тепсида тумонат одам, кўшниси аёллар йиғлашмоқда эди.

— Чиқинглар, ҳамма уйни бўшатсин, — деди участка назир.

Уй ичидаги кўшнилари сўзсиз буйруқни бажардилар.

— Илтимос, қилманг бу ишни! Бу сўзлар шу қадар баян ва илтижоли жарангладики, овоз тониги осудаликни бузиб юборди. Назокат кўшнисининг уйдан келаётган бу сўзларни аниқ эшитди. Югуриб ўрнидан турди-да, деворга ақинлашди. Овоз Жениянинг уйдан келаётган эди.

— Бул тез, пул топ! — деди кимдир.

— Пул йўқ дедим-ку! — бу Жениянинг овози эди.

— Россия рубли бўлса ҳам фарқи йўқ, топ, топасан!

Назокат кўшнисининг уйдан эшитилаётган сўхбатдан кўрқиб, югуриб кўчага чиқди.

— Анна опа, юринг тез, Женияни кўриб бораёлик, — деди у. Шу пайтда подъезддан 20-25 ёшлардаги сочи олинган йигит чиқиб кетди.

Улар унинг орқасидан қараб қолишди.

— Анна опа, ким бўлдийкин бу? Кўрқиб кетяпман, — деди Назокат.

— Сиз Женияни кўриб бораёлик, мен милицияга кўнгироқ қиламан.

Анна шундай дея уйига кириб кетди. Назокат аввалига Жениянинг деразасини чертиб кўрди. Жавоб бўлмади. Кейин подъезддан оёқ товуши эшитилди. Ваҳимага тушган Назокат маҳалла раисининг уйи томон йўл олди.

Эшикни очиб киришганда ҳаммаёқ қон, ерда эса кўли болганган ҳолда Жения ўлиб ётарди...

Эдуард Москва шаҳрига ишлаш учун жўнаб кетди. Бироқ ишлари юришмай яна ўз уйига қайтди.

Эдуард озодликка чиқди. Уни



йигит Светанингни бўйнига пичоқ тираб, деворга тақаб қўйди.

— Пул ва тиллар қани?

— Менда унақа нарсалар йўқ, — деди Зевар.

— Учир овозингни, манжалақи, сенда пул йўқми? Кунига шунча кишини қабул қиласан-у, пулинг бўлмайди? Эки қизинг билан ҳисоб-китоб қиласанми?

Зевар қизи ҳақида эшитиб таслим бўлди:

— Ҳўп, фақат манавинингни олиб тур.

У пичоқ тутган қўли нари сурди. Сўнг шакфани очиб борбудини уларнинг олдига ташлади. Света бармоғидаги иккита узугини ечиб, секингина оғзига солди.

— Ҳўш, — деди ҳалиги одам ва Светанингни кўюлганга қаради. Света зирагини суғуриб бермоқчи бўлди.

— Йўқ йўқ, тураверсин, бу мендан сенга тўй совғаси, — деди ёшроғи.

Она-бола бу гапдан сўнг бир-бирларига қараб олдилар.

— Ҳа, Зевар, нега бундай қараяпсан? Қизингни бир татиб кўрсак нима китпти?

— Учир овозингни, исқирт, — деган Зевар юзига келиб тушган тарсақидан жағи осилиб тушди гўё.

— У, сан, ейишга бирор нима тайёрла, — буйруқ қилди ҳалиги киши Светага.

Света тайёрлаган нонушани паққос туширган боққинчилар уларнинг қўл-оёғини чойшаб билан боғлашди.

Шу пайт эшик кўнгироғи бошилди. Унга ҳаммадан равишда телефон ҳам жиринглади. Жавоб бўлавермади, эшик ортидаги киши ҳа деганда кетавермади. Ниҳоят, кинингидир пастга тушиб кетаётган қадам товушлари эшитилди.

— Бу ерда қолишимиз яхши эмас, кетсак бўларди, — деди ёшроғи.

— Гапингда жон бор. Зевар, менга қара, ҳозир сен манави билан вазиятни билиш учун кўчани бир айлаиб келасан, тушундингми, — буйруқ берди боққинчи.

Зевар бир сўз демай буйруқни бажарди. Улар кўчага чиқдилари ҳамоно:

— Нима а...а?!

У шундай дея юз-қўлини апила-тапил ювди-да, Жениянинг уйига тушиб кетди. Жениянинг мурдаси тепсида тумонат одам, кўшниси аёллар йиғлашмоқда эди.

— Чиқинглар, ҳамма уйни бўшатсин, — деди участка назир.

Уй ичидаги кўшнилари сўзсиз буйруқни бажардилар.

— Илтимос, қилманг бу ишни! Бу сўзлар шу қадар баян ва илтижоли жарангладики, овоз тониги осудаликни бузиб юборди. Назокат кўшнисининг уйдан келаётган бу сўзларни аниқ эшитди. Югуриб ўрнидан турди-да, деворга ақинлашди. Овоз Жениянинг уйдан келаётган эди.

— Бул тез, пул топ! — деди кимдир.

— Пул йўқ дедим-ку! — бу Жениянинг овози эди.

— Россия рубли бўлса ҳам фарқи йўқ, топ, топасан!

Назокат кўшнисининг уйдан эшитилаётган сўхбатдан кўрқиб, югуриб кўчага чиқди.

— Анна опа, юринг тез, Женияни кўриб бораёлик, — деди у. Шу пайтда подъезддан 20-25 ёшлардаги сочи олинган йигит чиқиб кетди.

Улар унинг орқасидан қараб қолишди.

— Анна опа, ким бўлдийкин бу? Кўрқиб кетяпман, — деди Назокат.

— Сиз Женияни кўриб бораёлик, мен милицияга кўнгироқ қиламан.

Анна шундай дея уйига кириб кетди. Назокат аввалига Жениянинг деразасини чертиб кўрди. Жавоб бўлмади. Кейин подъезддан оёқ товуши эшитилди. Ваҳимага тушган Назокат маҳалла раисининг уйи томон йўл олди.

Эшикни очиб киришганда ҳаммаёқ қон, ерда эса кўли болганган ҳолда Жения ўлиб ётарди...

Эдуард Москва шаҳрига ишлаш учун жўнаб кетди. Бироқ ишлари юришмай яна ўз уйига қайтди.

Эдуард озодликка чиқди. Уни

кутиб олишга ҳеч ким келмади. Қамоқхона ҳовлисидан ташқарига чиқиб, осмонга бир фурсат тикилиб туришга сўнг атрофга аланглай бошлади. Узи сингари қасрга борарини билолмай турган йигитчага кўзи тушди-ю, уни ёнига чорлади.

— Ҳа, ҳеч ким келмадимми? — сўради йигитдан.

— Йўқ.

— Қанақа «статья» эди сеники? — Боққинчилик, нима эди? — анқайди йигит.

— Юр мен билан, — деди у йигитга.

Сергей унга эргашди. Эшик очган Жения отасини кўриб ҳайрон бўлди.

Эдуард унга ҳеч нима демай уйга кирди. Сўнг алланамаларни қилдира бошлади.

— Дала, нима қидиряпсиз? — сўради Жения.

— Кийишга кийим, — жавоб қилди ота. — Кийимларим қаерда?

— Билмадим.

Эдуард ўғлининг жавобидан газабланди.

— Нега энди билмас экансан. Бул тез, кийимларини топ! Менга пул бер, — деди Эдуард.

— Менда пул йўқ дада, ҳамма пулни холамага жўнатдим, уйни сотдим, — жавоб қилди ўғил.

— Пул топасан! — буйруқ қилди ота.

— Агар ҳозироқ жим бўлмасангиз милицияни чақирасан, — деди Жения ва ётоқхонага кириб кетди.

— Ҳали сен ўз отангни милиционерларга тутқазадиган бўлиб қолдингми?

Эдуард шундай деб пичоқни қўлига олди-да, ўғлининг ортидан уйга кирди.

— Илтимос, қилманг бу ишни! Жения фақатгина шу сўзни айта олди, холос.

Одамқушликни қасб қилиб олган конхўр ота ўғлининг баланига 3-4 марта пичоқни тикиб олди.

Жения отаси билан кураша бошлади.

Эдуард ўғлининг ўлиши осонроқ кечиши учун уни боғлай бошлади.

— Нима қиляпсиз? — сўради Сергей ваннахонадан чиқиб.

— Ишинг бўлмасин, бул тез уйни кўр, нима топсанг ол, кетамиз, — деди Эдуард.

Улар битта-битта уйдан чиқибди.

Кўчада кўшниси аёлларнинг овози эшитилди, бироқ улар уни аниқ кўришолмади. Эдуард ёнидаги шергини эски таниши Зеварни кўриб бошлаб борди...

Зевар кўшниси Дмитрийнинг кўнгироғига биноан воқеа жойига етиб келган ички ишлар ходимларига эски таниши, 2 марта одам ўлдиргани учун қамалиб чиққан Эдуард ва унинг ёнидаги шахс ҳақида маълумот берди. Бу орада Жениянинг кўшнилари ҳам бўлиб ўтган воқеа ҳақида ИИБга хабар беришди.

Эдуард Зеварнинг уйига кимдир келаётганини билгач, ўзини балконга урди. Балкон орқали кўчага чиқди. Довдираб қолган Эдуард гўёки қамоқдан чиққан танишлари уни кўчоқ очиб кутиб оладигандек бир неча манзилга борди. Лекин бирор таниши унга эшик очмади. Унинг яширина-диган жойи ҳам йўқ эди. Тез орада Эдуард Самуилов ҳам, унинг шериги — эндигина қамоқдан чиқиб яна жиноятга қўл урган Сергей Николфоров ҳам қўлга олинди. Ҳар иккаласи ҳам Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан судланиб, жазоландилар.

Дамир МАХМУДОВ,
Республика Бош прокуратураси
ички хавфсизлики ташминлаш
инспекцияси прокурори

Мафтункор баҳор фаслининг қоқ ўртасида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда миллионлаб инсонларнинг эътибори Штутгарт шаҳридаги Порше-Арена мажмуасидаги рингда эди. Бунинг сабаби барчага маълум. Уша кечадаги асосий жангнинг натижалари ҳам энди бутун дунёга маълум ва машҳур бўлиб қолди.

«Россиядан бокс тожи олиб кўйилди», «Эртақ тугади» ва шунга ўхшаш маънодор сарлавҳалар орқали дунё оммавий ахборот воситалари юртимизнинг мард ўғлини Руслан Чагаевнинг ёрқин галабаси ҳақидаги ахборотлар тарқатишда давом этмоқда.

Хамюртларимиз ушбу галабага ишонган эди. Жангдан олдинги интервьюларидан бирини булажақ қилиб: **«Ушбу жанг карьерамдаги энг муҳим учрашув ҳисобланади. Мақсадга эришиш учун баҳоли қудрат ҳаракат қиламан. Мен жангга яхши тайёрландим ва 14 апрель кuni бунга исботлайман»**, деган эди. Ишончлар оқланди. Руслан Чагаев ВБА таснифи бўйича ўта оғир вазн тоифасида чемпионлиқни кўлга киритди.

Албатта бокс ишқибозлари орасида «рус гиганти»нинг кўли баланд келишига ишонган-

Николай Валуев: **«Мен учун жанг аввалгиларидан фарқ қилмайди. Илк бор расмий дэвоғар билан жанг ўтказишим натижа қандай бўлишига таъсир қилмайди, албатта. Ушбу жангга бир неча ҳафталик жиддий тайёргарлик кўрдим».**

Руслан Чагаев: **«Менинг асосий вазифам — рингда бор маҳоратимни кўрсатиб голиблиқни кўлга киритиш. Навбатдаги жангда ҳам айнан шунга амал қиламан. Ушбу учрашувга мураббийим Михаэл Тимм билан пухта тайёрландим. Бу ҳаётимдаги энг муҳим жанг. Бу кунни бутун умр орзу қилганман. Мен албатта жаҳон чемпиони бўламан».**

Боксчиларнинг ушбу сўзлари уларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатига қанчалик мос келиши кейинроқ аниқ бўлди. Жангдан аввал бошқалар қандай фикрда эдилар?

IBF йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасидаги украиналик жаҳон чемпиони Владимир Кличконинг ESPN телеканалига берган интервьюсидан: **«Мен ушбу жангда Валуев мағлубиятга учраши мумкин бўлган ҳеч қандай вариантни кўрмаймман».**



БОКСДА ЯНГИ ҚИРОЛ

ёхуд тахминлар ва ёрқин натижа

лар кўпчиликини ташкил қилган. Кетма-кетига барча рақибларини осонлик билан енгиб келатган, қолаверса, бирон марта ҳам мағлубиятга учрамаган чемпиonga бўлган бундай муносабатни тушуниш қийин эмас. Бунинг устига боксчилар орасидаги вазн ва бўйдаги фарқ ҳам бошқача ўйлашга бироз тўсқинлик қиларди. Руслан рақибидан 23 сантиметрга пастроқ ва 41 килограммга енгилроқ. Бокс тарихида рақиблар ўртасидаги бу каби фарқланишлар икки мартаба, яъни 1985 йилда Майкл Спinks ва Лерри Холмс ҳамда 2003 йилда Рой Жонс ва Жон Руис ўртасида бўлиб ўтган жангда қайд этилган. Ушанда Лерри

Жангдан сўнг Владимирнинг сўзлари бошқачароқ бўлишига ҳам гувоҳ бўламиз ҳали.

Владимир россиялик боксчининг галаба қозонишини хоҳларди, албатта. Сабаби, шундан сўнг музокаралари икки йилдан бери чўзилиб келатган Валуевга қарши жанг шартномасини тузиши мумкин эди.

Ушбу жангдан сўнг кўпчиликнинг ёдида сақланиб қолган мураббий Манвел Габриэлян «Спорт сегодня»га берган интервьюсида шундай деган: **«Чагаев ҳақиқатан ҳам Қолянинг энг жиддий рақибларидан ҳисобланади. У чапақай боксчи. Бу эса Қоляга бироз ноқулайлик туғдиради. Бироқ қутилаётган жангда бу жиҳат Чагаев учун сезиларли устунлик бермайди. Бунинг устига Русланинг ҳаракатлари унчалик тез эмас, шу сабабли Қоляни прессинга олиш қийин бўлади. Назоримда Руслан ҳам Қолянинг бошқа рақиблари сингари очик бокс кўрсатмасдан фақатгина аниқ зарбалар бериб очколар йиғишга ҳаракат қилади. Агар унинг кўллари рақибининг калласига отиб борса, албатта».**

Бу сўзларни ҳам изоҳлаш ортиқча бўлса керак.

Юқоридагига ўхшаш фикрни «Боксньюс» сайтининг муҳбирига Валуевнинг промоутери Вилфрид Заурленд ҳам билдирган:

«Ростини айтсам Чагаевнинг фақатгина сўнги жанглариини кўрганман. Уни маҳоратли боксчи деб айтишга қийналаман. У жисмоний жиҳатдан Валуевдан шунчалик пастки, қутилаётган жангда унинг голиб қилишини тасаввур ҳам қилиш қийин».

Узининг аjoyиб тайёргарлиги ва ўта пухта ишлаб чиқилган тактикаси орқали голиблиқни кўлга киритган хамюртимиз юқоридаги сўзларнинг қуруқ тахмин эканлигини асослаб берди. Валуевнинг мураббийи асабийлашганидан нонарматив лексикага зўр бергани-ю, кўлидаги бутилка билан шоғирдига ҳамла қилганини, жангдан сўнг «рус гиганти» орқали келатган пуллар оқими тўхтаганлигини тушунган Заурленд собик чемпион тарафга назар ташламай ер чизиб турганининг гувоҳи ҳам бўлди.

Уш, кўпчиликнинг ишонishi у ёқда турсин, хатто тасаввур ҳам қилиш қийин бўлган жангдан сўнг фикрлар қанчалик ўзгарди, баландларвоз тахминлар ўрнига қандай сўзлар айтилди? Николай Валуев: **«Мағлубиятда фақат ўзимни айблайман. Руслан ҳақиқатан мендан анча кучли эканлигини исботлади. У кучли тактика ва пухта тайёргарликка асосланган аjoyиб боксни намойиш қилди. Чагаевни ютишга яна бир имконият бўлади деган умиддан ҳам ушбу имкони-**

ятни кўлдан бой бермайман».

(«Ньюленд» сайти).

«Бугунги жанг натижаси боксдан кетишимга асос бўлмайди. Мағлубиятимга оёқларимнинг чарчаб қолгани сабаб бўлди. Жойимда кўп туриб қолганим биз рақибимнинг анча зарбаларини ўтказиб юбордим. Мен ВБА рейтингига қоламан, эртами, кечми, ушбу рейтингнинг биринчи погонасига кўтарилиб, албатта Чагаевга қарши жангга чиқаман. Русланга ушбу чемпионлик камарини олдириб кўймасликни тилайман. Бу мен учун ҳам жуда муҳим. Сабаби, Руслан билан яна жанг қилиш менинг асосий мақсадим». («Спорт-Экспресс»).

Жангдан сўнг ҳовуридан тушган Манвел Габриэлян «Твой день» муҳбирига шундай деди:

«Валуевнинг руҳий ҳолати панд бериб қўйди. Жангдан олдинги муҳит жуда оғир бўлди. Бироқ у профессионал боксчи ва бу нарсаларга эътибор бермасликка мажбур эди. Мен унинг кўзларидаги шижоатни сездим. Мағлубиятда Қоля фақат ўзини айбонли керак. Лекин Валуев кейинги жангда унинг рақиб ким бўлишидан қатъи назар, албатта голиб чиқади».

Жангдан аввал Чагаевнинг голиб бўлишида ҳеч қандай вариантларни кўрмаган Владимир Кличконинг жангдан сўнг «Боксньюс» сайтига берган интервьюсидан:

«Руслан Чагаев рақибдан анча устун келганига ҳеч қандай шубҳа йўқ. У аjoyиб техникани намойиш этди. Ўзидан анча жисмоний кучли рақиб устидан галаба қозонганига қўйил қолиш керак».

Шу билан бирга Владимир энди уни чемпионлик камарисига қолган Валуев ҳам, Заурленд ва Дон Кинг ҳам қизқирмаслигини айтган.

Чагаевга қарши жангга чиқиши мумкинлиги ҳақидаги саволга эса, бу ҳақда гап очишга ҳали вақт эрта эканлигини, қолаверса, бу борада Чагаевнинг промоутери Клаус-Питер Коллинг режаларини инобатга олиш кераклигини билдирган.

Владимирнинг акиси, ВБС йўналиши бўйича оғир вазн тоифасидаги чемпион Виталий Кличко «Коммерсант» нашрига берган интервьюсида жангнинг натижасидан афсусда эканлигини айтган. Аввалроқ айтганимиздек, ака-укаларнинг режаси Валуевга қарши жангга чиқиш эди.

«Валуев менга ва укамга соғ-омон, яъни чемпионлик камарини сақлаган ҳолда етиб келади деб умид қилган-ди. Бироқ жангнинг натижаси мен учун катта сюрприз бўлди. Очиги, Валуев учун жанг оғир кечиниши билардим».

Чагаев ҳаваскор боксда ёрқин тажрибага эга бўлган аjoyиб боксчи. Мазкур жангда у муллоқ тўри ва пухта ишлаб чиқилган тактикани кўллади. Валуевга эса боксчи сифатида кўп нарса етишмайди. Булар техника, зарба кучи ва боксчининг «юраги», яъни руҳий кучдир. Айни шу жиҳатлар Штутгартдаги жангда умуман сезилмади. Устига-устак Валуев панчер ҳам эмас. Николай Валуев фақатгина жисмоний кўрсаткичлари ва ўзига хос ташқи кўриниши билан ажралиб туради, ҳолос. У бокс оламида ўзига хос аттракцион ҳисобланади десам хато бўлмайди», деган катта Кличко.

Руслан Чагаевга қарши жангга чиқиш ҳақидаги саволга Виталий Кличко ўзбек боксчиси унда катта қизқирған уйғотиши, иккала тараф манфаатлари мос келадиган вазият мавжуд бўлганини у бунга захотиёқ бундай шартномани имзолашини айтган.

Ака-ука Кличколар билан Чагаевнинг жанги кўпчиликини қизқирган мавзуга айлана бошлаганиги аниқ, албатта. Бироқ бугунги кунда ундан ҳам қизқирқоқ масала Валуев ва Чагаев ўртасидаги реванш матчи.

Русланинг жамоаси бу борада босижлик ва ҳар доимғидай пухта ўйланган режага асосланишлари аниқ. Валуевнинг жамоаси эса, аниқроғи, Николайнинг менежери Борис Димитров бу борада ўз фикрини айтиб улғурди.

«Чагаев билан жанг шартномасида реванш ҳақида гап кетмаган. Бироқ Николай жаҳон рейтингда биринчилиқни сақлаб турибди. Бундан хулоса шуки, Чагаев бир йил давомида унга қарши жангга чиқишга мажбур. Биз бу ҳақда музокараларни бошлаганимиз йўқ. Лекин имконият туғилди дегунча биз музокараларга киришишга тайёрмиз».

Жангдан сўнги айтилган эътиборли фикрлар шулардан иборат десак бироз янглиш бўлади. Сабаби, Чагаевнинг оламшумул галабаси ҳақида ҳали кўпдан-кўп фикрларнинг гувоҳи бўламиз. Уларнинг қандай шаклда бўлишини эса вақт кўрсатади. Шу ўринда яна бир берад ёқимсизроқ гапни айтиб ўтишга тўғри келади. У ҳам бўлса ноҳолис ҳақамлик.



Холмс Майкл Спinksдан 10 килограммга оғирроқ, Жон Руис эса Рой Жонсдан 8 сантиметрга баландроқ ҳамда 10,5 килограммга оғирроқ эди. Тарихдаги бу кўрсаткичлар 2007 йил 14 апрелда чемпионлик учун бўлиб ўтган жангдаги кўрсаткичлардан қанчалик фарқ қилишига барчамиз гувоҳ бўлдиқ.

Қолаверса, бу кўрсаткич ташқи кўринишдаги ва вазндаги, яъни кўз билан пайқаб бўладиган фарқланишдир. Маҳорат, пухта тайёргарлик ва тактика каби тушунчаларни олдиндан пайқаб бўлмайди. Шу сабабли ҳам Руслан бу мавзудаги саволга: **«Ҳа, у мендан ва мен жанг қилган барча рақибларимдан анча баланд, бироқ мен учун у бир боксчи ҳолос»**, деган жавобни берган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Николай Валуевнинг галабасига ишонганлар кўпроқ унинг бўйи ва вазнига ургу беришарди. Дунёдаги буюккерлик контроларида ҳам Валуевнинг галабасига катта ишонч билдирилганди. Хорижлик машҳур боксчилар, бокс мутахассисларининг аксарияти ҳам шу фикрда эдилар.

Биз баҳоли қудрат хорижининг турли ОАВларига ушбу нуфузли жангдан олдин ҳамда ундан кейин берилган фикр ва мулоҳазаларни кузатишга ва улар қанчалик ҳақиқатга яқинлигини солиштириб кўришга ҳаракат қилдик.

Бу борада албатта аввал боксчиларнинг жангдан олдин айтган сўзларини келтираримиз.



Йўқ, бу гапга ҳеч ким расмий тус бера олмайдиган, албатта. Бу ҳақда фақатгина «Коммерсант» муҳбирига берилган жавобда айтилган, ҳолос. Бу фикр эхтиросларга таяниб айтилгани ҳам аниқ. Сабаби, бу ҳақда Валуевнинг рафикаси телефон орқали бўлган суҳбатда айтган.

«Валуев жангда устун келди. Унинг мағлубиятини ҳақамларнинг айби деб биламан. Мен ва фарзандларим учун Николай доим чемпион бўлиб қолади».

Бундай ҳолатда турмуш ўртоғи мағлубиятга учраган аёлини тушуниш қийин бўлмаса керак.

Айтмоқчи, Валуевнинг менежери Борис Димитров ҳам ҳақамлар қароридан таажубга тушганини билдирган. Бироқ бундай таъкидлар учун жиддий жавоб бериши кераклигини қолаверса, бундай асосиз гаплар билан жамоасининг обрўсига путур етказиб қўйиши мумкинлигини тушунган ҳолда ушбу таъкидларга **«Жангдан сўнг муҳим кўтариш нотўғри»** иборасини ҳам қўшиб қўйган.

Юқорида жанг ҳақидаги тахминлар ва ундан сўнг айтилган фикрларни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Муҳими, энди янги бокс қироли, ВБА йўналиши бўйича ўта оғир вазн тоифасидаги чемпион юртимиз ўғлини Руслан Чагаевдир.

У Ўзбекистон номини яна бир бор дунёга танитди. Унинг ушбу сарф-ҳаракати юртбошимиз томонидан муносиб баҳоланди. 2007 йил 17 апрель кuni Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Руслан Шамилевич Чагаев «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Биз уни яна бир бор ёрқин галаба билан самийий қўтлаб, профессионал боксдаги фаолиятида улкан зафарлар тилаймиз!

ТЕМУРБЕК

(Давоми. Бошлангич ўтган соҳда).
Аэропорт залини кесиб ўтиб, кўчага чиққанида ўғли тенги иккита нотаниш йигитлар машинага таклиф қилишди.

— Бировга ўхшатвордиларинг шекилли...

— Раҳимжон ака Турдиевсиз, Баъзи нарсаларни аниқлаб олиш учун биз билан юрсангиз!

«Бало келса кўша-кўша келади деганларини шу экан-да», хаёлидан кечди унинг. «Бўёғи неча пулдан тўшди!»

Собиржон Аслоновнинг назарида у истъоддодли актёр, соҳда, лақма ролини қойиллатиб ўйнаётгандай эди. Чегарада тўхтаб қолган, той пахталар ортилган эшелонга гўё ҳеч қандай алоқаси йўқ саволларга ажабланиб, савол билан жавоб қайтармаётгандай.

— Қанақа хат? Қанақа шартнома? Хитойларнинг уругиниям кўрган-ним йўқ!

— Манави виза кимники бўлма-са?

— Ман ёзганман. «Ўрганиб чиқилсин, келишисин» деб ўринбосаримга чиқарганман.

— Узиш имзолаган мана бу шартномани тан оларсиз?

— Эслотмаман. Имзо меникига ўхшайди. Шошмангчи, йўқ, меники эмас! Экспертиза қилдириб кўринг.

— Гап жуда катта пул устида боряпти. Сарагини саракка, пучагини пучакка айирганимизда сизни ҳибсга олишмига тўғри келадими?

— Узим ҳам холи бир жой тополмаётганим, — у галати илжайди. — Ишдан хайдалган одам... Шаҳарда қандай бош кўтариб юраман?!

Раҳимжон Турдиев камерада ухламай тонг оттирди. Келаси кун бор гапни қозғога тушириб берди.

— Аферистга ўттиз мингни ўз қўлим билан тутказибман-а! — дод

деб юборишдан аранг тийилиб, зўрма-зўраки қулди. — Уни топиб, пулимини олиб берсаларинг...

— Фирибгарга берворган ўттиз минг доллар ўша эшелондаги той пахталардан сизга теккан улушингизми?

— Эуа, айтим-у, эшелонга ҳеч қандай алоқам йўқ. Углимнинг ҳовлисини сотиб бердим. Қулоғини ушлаб кетди пулларим!

Орадан икки кун ўтиб терговчи уни ҳибсхонадан олдириб келтирди.

жоз-ларидан бири бўлиши мумкин. Пулини қайтаришни талаб қилганида, иккалса муштлашган. Мели уни ўлдириб қўйганидан кейин афти-башарасини пачоқлаб, ҳужжатларини олган. Жасаднинг чўнтағига ўзининг паспортини солиб қўйган, деган тахмин устида ишлаймиш. Қидирувга бердик. Мана «таржимаи холи». Мелибой Ҳамроев Сурхондарё вилояти, Қумжўрғон туманида тузилган. Университетнинг 3-курсда ўқишни ташлаган. Қалбаки диплом сотиб

ган, соясидан чўчийди, таваккал бир иш қилолмайдди. Шапқур, мен тайёрлаган қозғоларга қарамай имзо чекиб, ахйри ишдан хайдалди...

— Шапқурлигидан фойдаланиб, эшелонга беш юз миллион ўрнига икки баробар кўп, салкам бир миллиард сўмлик той пахталарни юклаб жўнатди.

Ярмини чет элдаги шеригиз билан пуллаб, бойваччага айланарди-у... Иш чаппа кетгандаям, айбони бошлиққа тўнкаб, бир чеккада

Собиржон Аслонов ўша заҳоти Юнусобод туман прокурори билан боғланди. Алоҳида юртувга ажратилган жиноят ишини қайта қўлига олди.

Ҳибсга олинганда ёнидан чиққан қалбаки гувоҳномасига, паспортга кўра Хусан Толипов, ҳақиқий исми-шарифи Мелибой Ҳамроев Фирибгарликдан иборат айбига, Раҳимжон Турдиевни чўт туширганига қирор бўлди-ю, қотиллигини қатъиян рад этди. Гўё марҳумни ҳеч қачон кўрмаган, билмаган, паспортни эса тасодифан, такси ўриндиғида топиб олган. Алдаб, пулларини шилиб олган одамлардан ашириниш учунгина бировнинг паспортга суратини ёпиштириб юрган. Ҳимоячи иштирокида марҳум Хусан Толиповнинг бева хотини билан юзлаштирилганда аввалига тонди.

— Уйимизга боргансан, ётиб қолгансан, Хусан акамни Германияга ишга жўнатаман, деб алдагансан. Мелини топдим, уриб бўлсам пулимини қайтариб оламан, деб чиқиб кетгандилар уйдан...

Мели Ҳамроев шунда ҳам сир бой бермади. Хонага Хусановнинг ўзи гўё тирилиб кириб келганида эса, кўзларига ишонмасдан, дудуқланиб тилга кирди.

— Муштлашиб, чала улик қилиб паспортни, пулларини олиб қочганман. Чўнтағига ўзимнинг паспортимни солиб қўйганман.

Сўров баённомасига имзо чектириб, уни қамоқхонага жўнатганидан сўнг, Собиржон Аслонов бева ва Ҳасанбой Толиповни кузатгани чикди.

— Марҳумнинг руҳини безовта қилишга тўғри келди. Холисона ёрдам берганларнинг учун раҳмат!

— Аслидаям укам Хусанбой икковимиз битта одамдай эдик! — ҳўрсинди Ҳасанбой. Бева рўмолчада кўз ёшларини артди.

«Ёрдамчи»

Исроил ИБРОҲИМОВ

— Оғайнингиз Мелибой Ҳамроевнинг жасади топилган.

— Дард устига чипқон! Мирзо Холиқовнинг ёрдамчисини ўлдиришган бўлса, энди пулларимни ким тўлайди?

— У ўлдирилган кунлари сиз Тошкентда эдингиз...

— Рост, уйда кўришганмиш, «тоестъ», ижарада турган уйда. Ёзиб бердим, йигирма мингни оббориб берганман...

— Алдаганини билиб, уни ахтари топгансиз. Пулни қайтариб бермаганидан кейин...

— Тўғри, сўраб-суриштирдим, аммо тополмадим. Топганимдаям, пулларимни қайтариб олардим-у.

Бунақа иш мени қўлимдан келмайдди! Собиржон Аслонов Тошкентга бориб Юнусобод туман прокурорига учради.

— Экспертиза қилдириб кўрдик. Ўлдирилган Мелибой Ҳамроев эмас, бошқа одам. Ҳали шахсини аниқлаганимиз йўқ. Фирибгарнинг «ми-

олиб, Сурхондарё вилояти, Тошкентдаги бир қатор идораларда ишлаган. Ишдан кетгач, қалбаки гувоҳнома саттириб олган. Икки йилдан буюн бекорчи бўлса-да, сохта гувоҳнома ни пеш қилиб, соҳда одамларни чўт тушириб юрган... Унга нисбатан алоҳида жиноят иши кўзга тилди.

Собиржон Аслонов фирибгарнинг қармоғига илган Раҳимжон Турдиевни қамоқдан бўшатди, тилхат орқали о'чқидан қолдириди. Эшелондаги юкнинг ҳужжатларига унинг ўринбосари имзо чеккан эди.

Шартномадаги имзоси эса чиндан қалбаки бўлиб чикди. Идора ходимларини бирма-бир сўрқ қилиб, Собиржон ўринбосарни энди гувоҳ эмас, гумонланувчи тариқасида тергов қила бошлади. Ҳужжатли далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмаларини изоҳлашдан охиж қолган Огабек Иноғомов ниҳоят, ростига кўчди.

— Иззатини билиб, пенсияга чиқиб кетганида... Тўнкани йўлдан олиб ташламоқчийдим. Қотиб қол-

қолиш чорасини кўриб қўйгандиз. Э, сендақа... Каламушдан нима фарқинг бор?!

— Амнистияга тушармикинман?... — у адвокатага қаради.

— Зарарни ўрнини тўлдириб қўй аввал! — шартта кесди терговчи.

Раҳимжон Турдиев судда гувоҳлик берганидан кейин пенсияга чиқиб, Зоминдаги санаторийлардан бирида дам олаётган эди. Сайлгоҳда, бир неча қадам олдинда бораётган йигит ёши улуг ҳамроҳига гап ўқтирарди.

— Хусусийлаштиришнинг осон йўли бор. Мирзо Холиқович билан гаплашиб бераман...

Овози таниш. Наҳот ўша?! Шартта ёқсидан олишга чоғланди-ю, шайтонга ҳай берди. Ортига қайтиб, Фарғонага, терговчига телефон қилди.

— Аниқми? Ўхшатворгани йўқми? Сизни кўрмадимми? Бўпти, кўзига кўринмай туринг.

Турфа олам, турфа одамлар

«Омагли Женгельмен»

Яқшанба кун Бельгиянинг Лаптин шаҳри қамоқхонасидаги маҳбуслардан бири антиқа усул билан қочиб муваффақ бўлди, дея хабар беради France Presse агентлиги.

Воқеа тафсилоти бундай: ашаддий жиноятчи — 31 ёшли Эрик Фердинанд «ташқари»даги ҳамтоволқарига «ичқари»даги шартшароит, тартиб-қоида ҳақда батафсил маълумот берган. Бу маълумотлардан тегишли хулоса чиқарган Эрикнинг икки шериги эса шунга монанд режа ишлаб чиққан.

Режага мувофиқ, улар ижарага вертолёт олишди ва вертолёт ҳавога кўтарилган заҳоти учувчининг пешонасига тўпчанча тираб тўппа-тўғри қамоқхона томонга учиниш буюришди.

Учувчи аввалига бу ишнинг оқибати ёмон бўлиши ҳақда тушунтиришга ҳаракат қилиб кўради. Бироқ жиноятчиларнинг ваҳоҳатидан ҳазиллашмаётганликларини тушуниб, бўйсунушдан бошқа чора тополмайдди. Вертолёт яқинлашган пайтда, қамоқхонанинг олдида кўриқчилар ва маҳбуслар бўлган.

Қамоқхона устидан ўтаётган пайтда вертолётдаги жиноятчилар паста, қамоқхона дохилига тугун бурқсизтадиган шашкаларни улоқтиришган. Бир зумда ҳаммаёқни тугун қоплаган... Тугун таркаган пайтда эса вертолёт ҳам, буздан икки ҳафта олдин қамоққа тушган Эрик Фердинанд ҳам гойиб бўлган эди. Полиция зудлик билан қидирувини бошлаб юборган.

Келиб чиққиси франциялик бўлган Эрик Фердинанд бир йил олдин Испания полицияси томонидан ўғирлик ва ҳужжатларни қалбакилаштиришда айбланиб ҳибсга олинган, бироқ у ердан ҳам қочишининг улдасидан чиққан экан.

РЕКЛАМА

«ФАРМЕД САНОАТ» хусусий корхонаси

маълум қилади

Ҳурматли истъомолчи!

Биз сизнинг ишончингизни юқори баҳолаган ҳолда «**Ринза таблеткалари №10**» дори воситасининг келиб чиқиши номаълум, оригинал дори воситасига жуда ўхшаш қалбаки нусхаларини сотиб олишдан оғохлантормоқчимиз.

«РИНЗА ТАБЛЕТКАЛАРИ №10» ДОРИ ВОСИТАСИНING ФАҚАТГИНА ОРИГИНАЛ НУСХАСИ ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШДА ЁРДАМ БERAДИ! ЎЗ СОГЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ!

Сизнинг ишончингиз — миллий ишлаб чиқарувчилар учун асосий кўмакдир!

ИККИ ЙИЛДАН БУЁН РИНЗА ТАБ. №10 ДОРИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ 1-РАҚАМЛИ ВОСИТА ҲИСОБЛАНДИ

Энди РИНЗА таб. №10 голограмма билан

2007 йил 12 февралдан эътиборан «Pharmed sanoat» хусусий корхонаси дорининг аслини ва истъомолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уни **ГОЛОГРАММА** — ҳимоялаш тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда. **ГОЛОГРАММА** дори қутисининг ҳар икки томонида жойлашган.

Сизларга ҳамини омонлик тилаймиз!

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 399-55-00; 175-75-00



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Сирдарё вилоят прокуратураси жамоаси вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Тохир Ражабовга турмуш ўртоғи **Ҳолида ОЧИЛОВА** ва фўрзанди **Элдор РАЖАБОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади. Бу оғир жудолук кунларида унга ва ақинларига сабр-бардош тилайди.

Huquq
yuridik gazeta

Ta'rischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXOJAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-82, 133-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru

Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrini tahririyat fikridan farqlanishi mумkin. Nashrimizdan ko'chirib olinganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatish shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma **Г** — 355. 23 580 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahtifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Musohih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonа manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaniga payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 22.30 1 345 67 8